



2019 йил у.г « 5 » сентябрь № 615-К Qo'shramot t, - р Кушрабад

2019 йил “Обод кишлок” дастури доирасида Соригул МФЙ худудидан
“Соригул маҳалла маъмурий биноси” қурилиши
учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ““Обод кишлок” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли Фармони, ҳамда 2019 йил 20 февралдаги ““Обод кишлок” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4201-сонли қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2019 йил 26 февралдаги №03-01/27-сонли “Қўшработ тумани Жўш маҳалласида ўтказилган йиғилиши”да берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг далолатномасини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,


ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Соригул” маҳалласи худудидан туман ҳокимлиги захираси ҳисобида бўлган ер майдонидан, ердан фойдаланиш харитасининг 312-контуридан “Соригул маҳалла маъмурий биноси” қурилиши учун 0,06 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги “Соригул” маҳалласи худудидан “Соригул маҳалла маъмурий биноси” қуриш учун ажратилган 0,06 гектар ер майдонида қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин.
3. Туман бош архитектори в.б. (Ж.Абдиев), Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қўшработ туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Н.Балманов)га ажратилаётган ер майдонини жойида (натурада) ўлчаб бериш, объектни лойиҳалаштириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашда, шунингдек қурилиш ишлари амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари талабларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминлаш юклатилсин.
4. Қурилиш ишлари вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари асосида ҳамда қурилиш лойиҳасини вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рўйхатдан ўтган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Б.Сиддиқов)га ажратилган ер майдони юзасидан ер хисоботиغا (балансига) тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Окбутаев

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини
кўриб чиқувчи комиссиясининг

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Кўшработ тумани

« _____ » _____ 2019 й

- | | |
|---------------|---|
| 1. Б.Аролов | туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси |
| 2. Ж.Абдиев | туман бош архитектори, комиссия котиби в.б. |
| 3. Б.Сиддиқов | туман Ер ресурслари ва давлат кадастри
бўлими бошлиғи, комиссия котиби |
| 4. Х.Мавлонов | туман электр тармоқлар корхонаси бошлиғи |
| 5. Б.Усанов | 5-сон туманлараро газ таъминоти участкаси
Кўшработ худуди устаси |
| 6. Ф.Болиев | “Сувоқова” ДУК туман филиали бошлиғи в.б. |
| 7. А.Дастамов | туман ДСЭНМ бошлиғи |
| 8. А.Ғаниев | туман ИИБ бошлиғи |
| 9. З.Хатамов | туман экология ва табиатни муҳофаза қилиш
инспекцияси бошлиғи |
| 10. А.Туროнов | туман йўллардан фойдаланиш унитар
корхонаси директори |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли Фармони, ҳамда 2019 йил 20 февралдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4201-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2019 йил 26 февралдаги №03-01/27-сонли “Кўшработ тумани Жўш маҳалласида ўтказилган йиғилиши баёни”ни ижросини таъминлаш мақсадида, “Сориғул” МФЙ худудидан МФЙга мамурий биноси қуриш учун туман ҳокимлиги заҳира ер фондидаги ер майдонидан, ердан фойдаланиш харитасининг 312-контуридан Мамурий бино қурилиши учун жами 0,06 гектар ер майдонида ер танлаш ўтказилди

Танланган ернинг умумий майдони 0,06 гектарни ташкил этади.

Ер майдони чегаралари:

- | | |
|----------|---------------|
| Шимолдан | - очик майдон |
| Жанубдан | - ички йўл |
| Шарқдан | - очик майдон |
| Ғарбдан | - очик майдон |

Мухандислик тармоқлари:

- | | |
|----------------------|--|
| Электр таъминоти | - техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган |
| Ичимлик суви | - техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган |
| Табиий газ таъминоти | - техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган |
| Алоқа тармоғи | - техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган |

КОМИССИЯ ХУЛОСАСИ:

Танланган ер майдони ёнғин хавфсизлиги ва санитария гигиена талабларига жавоб беради. Ушбу далолатнома тегишли ташкилотларнинг келишилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади. Туман ҳокимлиги заҳира ер майдонидан Саригул МФЙ худудидagi қишлоқ хўжалигида фойдаланиш харитасининг 312-контуридан “МФЙга мамурий бино қуриш учун” ажратилган жами 0,06 гектар ер майдонини ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, мавжуд ариқ ва йўллардан фойдаланиш кўзда тутилсин.

Ушбу далолатноманинг тасдиғи туман ҳокимлигидан сўралсин.